

**БИОЦЕНОЗДА ОҚҚАНОТ ТУРЛАРИ МИҚДОРНИНГ ТАБИИЙ
БОШҚАРИЛИШИ ВА АГРОБИОЦЕНОЗДА УЛАР МИҚДОРНИ
БОШҚАРИШ ДОЛЗАРБЛИГИ**

**NATURAL RELEASE OF PLANT SPECIES IN THE BIOCECENOSIS AND
RELEASE OF THEIR RESOURCES IN THE AGROBIOCECENOSIS.**

Рахмонова Мадинахон Кимсанбоевна
Хамдамов Жамшидбек Кимсанбоевич магистр
Хамдомов Кимсанбой Қўзиевич катта ўқитувчи
Андижон кишлок хужалиги ва
агротехнологиялар институти

Rakhmonova Madinahan Kimsanboevna
Khamdamov Jamshidbek Kimsanboevich Master of Science
Khamdomov Kimsanboy Koziyevich – senior lecturer.
Andijan agriculture and
Institute of Agricultural Technologies

Анотация; Табиатда оққанотнинг 30 дан ортиқ табиий кушандалари мавжуд бўлиб, буларнинг энг самарадор паразит турларидан *E. formosa*, *E. portenepea*, *Eretmocerus* spp турларидир. Шунингдек оққанотнинг энтомопотоген замбруғли касаллиги сифатида *Verticillium lecanii* тури аниқланган, лекин ушбу касаллик етарли даражада фитофаг миқдорини камайтира олмайди .

Калит сўзлар; табиат экология омил хашорат

Аннотация; В природе существует более 30 природных паутиных клещей, наиболее эффективными паразитическими видами из них являются *E. formosa*, *E. portenepea*, *Eretmocerus* spp. Вид *Verticillium lecanii* также был идентифицирован как энтомопатогенное грибковое заболевание паутиных клещей, но это заболевание не может в достаточной степени снизить количество фитофагов.

Ключевые слова; природа экологический фактор вредитель

Abstract; There are more than 30 natural spider mites in nature, the most effective parasitic species of which are *E. formosa*, *E. portenepea*, *Eretmocerus* spp. The species *Verticillium lecanii* has also been identified as an entomopathogenic fungal disease of spider mites, but this disease cannot sufficiently reduce the number of phytophages.

Keywords; nature, environmental factor, pest

Кириш Табиатда ушбу турнинг айрим турлари табиий бошқарилш хусусиятига эга аммо уларнинг деяри барчаси қишлоқ хўжалиги экинларида эмас балки бегона ўтларда кузатилади. Оққанот зарарлаган айрим ўсимлик турини бошқа турдаги жонзотлар истеъмол қила олмайди, экспериментлари ўзининг заҳарлилик хусусиятини ҳам номоён қилади. Оққанотнинг бошқа худудларга кўчиб ўтиши яъни унинг географик тарқалган популяцияси тез кўпайишининг асосий кўрсаткичларидан бири табиий бошқарилиш омилларининг йўқлигидир. Шу билан бирга табиатда кейинчалик у ёки бу омиллар сабаб уларнинг кушандалари, касалликлари вужудга келади. Лекин бу давргача узоқ эволюцион муносабатлар шаклланишини талаб этади.

Ўза оққаноти охириги 15 йилда унинг ер юзидаги тарқалиш ареали янада ориб, бу даврда Европанинг қатор давлатлари иссиқхоналарига кириб келди, жумладан Шимолий Европа ва Сурия, Франциянинг жанубида, Исроил, Италия ва Испанияда кузатиш мумкин. Ўза оққанотининг ривожланиши учун оптимал ҳаво ҳарорати 10°C дан 27°C, 32°C гача бўлганлиги учун юқоридаги давлатлар унинг учун мақбул ҳисобланади

Оққанот турларини агробιοценозда бошқариш долзраблигига кўра унинг олимлар томонидан ўрганилиш даражасидан билим мумкин. Бунда уларнинг диққати иктиодий ҳавфлилик даражасига қаратилган. Жумладан, ўза оққаноти зарарлаган экиннинг 20-100% гача ҳосилини нобуд қилиш мумкин, бунда экинни умуман қуритиб қўйиши инобатга олинган ва бундай ҳолат мавжуд. Бунда зараркунанда миқдори кўп бўлмасида ўсимликда хлороз касаллигини келтириб чиқаради. Ўсимликнинг умрини қисқартириб,

экинларини сифатсиз қилиб қўяди, зарарланган мевалар кичик, устки қисмида дағал доғлар пайдо бўлди, мева таъми бутунлай бузилади. Ўсимликларда 100 турга яқин вирусларни ўзида ташийти ва юқтиради булар асосан Бегомовируслар ҳисобланиб Closteroviridae ва Potyviriidae оилаларига мансубдир. Оққанотининг табиий бошқарувчанлик кучлари сифатида экологик, кушандалик, антропоген омилларни кўрсатиш мумкин.

Табиатда бундай кучлар доимий равишда мавжуд аммо уларнинг барчаси ҳам ушбу тур миқдорини бошқаришда устунлик қила олмайди. Аммо айрим ҳудудларда ушбу турнинг популяция шаклланишида мўтадил бўлиб, бошқа тирик организмларга нисбатан муносабатлари сусти кўринади.

Бундай жараёнлар фақатгина биоценозда ёки мажбурий озиқа манбаларида кузатилади ҳалос. Инсонлар томонидан ерларнинг ўзлаштирилиши ва турли табиат учун янги тур навларнинг катта майдонларда ўстирилиши бу каби фитофаг турлари популяциясининг шаклланишида манба бўлиб ҳизмат қилади. Бундай жараёнда ушбу тур популяция миқдорини маълум даражада бошқариш талаб этилади.

Бутунжаҳон озиқ-овқат ташкилотининг кўп йиллик маълумотлари асосида фақатгина оққанот фитофагининг ўзи ўртача фақатгина АҚШ қишлоқ хўжалиги учун 32 млрд маблағнинг ушбу турга қарши кураш ёки ушбу тур орқали йўқотлаётган экин ҳосилини кўрсатиш мумкин. Аммо бу кўрсаткич бир томондан кичик бўлиб кўринар, лекин бошқача қилиб айтганда айрим давлатларда озиқ-овқат танқислигини келтириб чиқариши кузатилмоқда.

Турли экологик омилларнинг популяция динамикасига таъсирини популяция қалинлигига кўра гуруҳларга ажратиш бошланди: бунда катострофик ва факультатив, нореактив ва реактив, номустақил ва мустақил ва хоказолардир. Бундай тадқиқотлар бўйича Г.А. Викторов (1971-1973) популяциялар сони бошқарилиш механизмини етарлича очиб берди -

Жаҳон миқёси бўйича, барча қишлоқ хўжалик экинларида уларнинг зараркунандаларига қарши курашишда кўп йиллар давомида кимёвий усул ҳукм суриб келмоқда. Айниқса, пахта етиштирадиган давлатларда кимёвий препаратлар оммавий равишда қўлланилади. Чунки, ҳашарот ва каналар билан зарарланиш натижасида ҳар йили ғўза ҳосилнинг 20-25 % йўқотилади. Бунда айрим турдаги ҳашаротларининг пестицидларга чидамлилиги ортиб, улар популяция сонининг ортиши кузатилади.

Агроценозда табиий бошқарилиши яъни ҳашаротлар популяци сонининг ортиши ёки камайиши миграция жараёни билан боғлиқ бўлади. Бунда кўчиб ўтган ҳашарот тури ўзининг ҳаётининг фаолиятини тиклаб, жойга мослашади ва улар сонининг ортиши билан бошқа турдаги экинларга кўчиб ўтиши кузатилади

Ҳашарот турларининг кўпайиши учун қулай шароитларнинг ҳосил бўлиши популяция репродуктив потенциалининг юқори бўлганлиги туфайли организмнинг тез кўпайишига сабаб бўлади. Бундай кўпайиш узокқа чўзилмай, унга биотик факторлардан йиртқичлар, паразитлар, озиқа етишмовчилиги кабилар таъсири кучайиб боради. Шу сабабли ҳашаротлар ва бошқа организмларнинг юқори репродуктив потенциал хусусияти ва модификацияланиш омилларининг қулайлиги биоценозда организмларнинг кескин кўпайишга олиб келади. Бунда эса биологик факторлар уларнинг кескин кўпайиш олдини олиб, уларни маълум бир меъёрда сақлаб туради. Қишлоқ хўжалигида зараркунандаларга нисбатан пестицидлар қўллаш ёки айрим агротехник тадбирлар таъсири туфайли ҳамда абиотик омиллар ҳолатининг қулайлиги ҳашарот турлари сонининг ортишига олиб келиб, бу бирор тур популяция сонининг ошишига олиб келади Ҳашаротлар сонининг ўзгариб туриши борасидаги олимларнинг фикирлари ҳалигача қарама қаршидир. Бунда айрим муаллифлар агробио- ценоздаги зарарли ҳашарот турларини уларнинг табиий кушандалари таъсирида бошқарилиши мумкинлигини инкор этадилар. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларини

етиштиришда алмашлаб экишни нотўғри танлаш, битта турдаги экинларни катта ҳажмларда экиш, энтомофаглар ривожланиши учун маскан бўладиган бедазорлар камайиши кабиларга боғлиқ. Айниқса мавсумда дала четларига кам захарли инсектицидларни қўллаш, далани ёппасигаишлов бериш билан баробар. Бунда Энтомофаглар захирасини сақлаб қолиш ва уларнинг уўпайиши учун имкон яратиш ҳисобалани

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилишда кимёвий усулни самарадорлигига шак-шубҳа йўқ, чунки препарат ўз вақтида, тўғри ишлатилса, қисқа муддатда юқори самарага эришилади. Аммо, кимёвий воситалар қўллашнинг ўзига хос камчилик ва салбий томонлари ҳам мавжуд. Биринчидан, улар зараркунандаларга қарши курашда юқори самара бериши билан бир қаторда фойдали ҳашаротларга ҳам тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиб уларни қириб юборади. Натижада, табиий кушандалар миқдори кескин камаяди ва биохилма-хилликнинг кескин камайишига олиб келган Иккинчидан, кимёвий усул инсон ва иссиққонли ҳайвонлар учун захарли бўлиб, атроф-муҳитни ортиқча ифлосланишига олиб келади. Яна бошқа бир томони, бир ҳил турдаги препарат сурункасига ишлатилиши натижасида зараркунандада уларга нисбатан чидамлилиқ ҳосил бўлиб, йил сайин ишлов бериш ҳажми ва такрорийлигини, пестицидлар сарфлаш меъёрини оширишга сабаб бўлади

Ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимида энтомофагларсиз 100% натижага эришиш иложи йўқ. Биргина пахтачиликда эса унинг ҳақиқий самарадорлиги 50-70% ни ташкил этиб, зараркунандани иқтисодий ҳавфли сонидан камайтириб туради. Кимёвий ҳимоя қилиш тизимининг ўзида эса бундай самарадорликка эришиб бўлмайди

Кейинги йилларда ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилиш усулига катта аҳамият берилиб, мамлақтимиз қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик усулнинг улуши 86% ни ташкил этмоқда

Адабиётлар шарҳига кўра табиатда ҳашаротларнинг таабий бошқарилиш қонунияти доимо мавжуд бўлиб, улар антропоген ёки иқлим шароити туфайли ўзгариши мумкин экан. Биоценозда ҳашаротларнинг паразит-йиртқич-хўжайин муносабатлари ва уларнинг бир бирига таъсирини илмий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда, кушандаларни қўллаш табиатдаги биоҳилма - хиллик таъминласа, қишлоқ хўжалигида эса зарарли ҳашаротлар зараридан нобуд бўлаётган ҳосилни сақлаб қолиш, экологик тоза, сифатли маҳсулот етиштириш имкониятига эга бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Рахмонова, М. К., & Қодиржонова, Қ. М. (2023). Тут Парвонасига Қарши Биологик Кураш. *Ta'lim Va Rivojlanish Tahlili Onlayn Ilmiy Jurnal*, 3(9), 97-101.
- 2.Рахмонова, М. К., Севара, Қ., & Абдулазизова, С. (2023). Комосток Қурти Биологиси Тарқалиши Учраш Даражалари. *The Theory Of Recent Scientific Research In The Field Of Pedagogy*, 1(13), 26-29.
3. Доспехов Б.А. Методика Полевого Опыта. – Москва, 1985. – 351 С.
- 4.Мехнат, 1986. – С.123-131.
- 5.Колесников Б.А. Биологические Основы Размножения Растений. Плодоводство. – Москва, “Колос”, 1979. – С.170-190.